

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЭСЦИРО

Препаратнинг савдо номи: ЭСЦИРО

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): L-лизин, эсцин

Дори шакли: инъекция учун эритма

Таркиби:

1 мл эритма қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: L-лизин - 0,12 мг, эсцин-0,88 мг;

ёрдамчи моддалар: 96% этанол, пропиленгликоль, инъекция учун сув.

Таърифи: тиниқ, рангсиз суёқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Ангиопротектор.

АТХ коди: C05CX

Фармакологик хусусиятлари

ЭСЦИРО яллиғланишга қарши, шишга қарши ва оғриқни қолдирувчи таъсир кўрсатади. *Эсцин* - сапонин, лизосомал гидролазалар фаоллигини пасайтиради, бу капиллярларнинг деворидаги ва уларнинг атрофидаги бириктирувчи тўқимадаги мукополисахаридларнинг парчаланишини олдини олади, ва шундай қилиб ошган томир-тўқима ўтказувчанлигини нормаллаштиради ва экссудацияга қарши (шишга қарши), яллиғланишга қарши ва оғриқни қолдирувчи таъсир кўрсатади. Препарат томирларнинг тонусини оширади, ўртача иммунитетни тўғриловчи ва гипогликемик самаралар кўрсатади.

L-лизин - алмаштириб бўлмайдиган аминокислота. У организм томонидан синтез қилинмайди, овқат ёки қўшимчалар билан организмга тушади. Мушак оқсиллари кислота сақлайди. Бу препаратни спортда қўлланиши билан боғлиқдир. Препаратнинг хусусиятлари капиллярларни барқарорлаштирувчи гуруҳга тааллуқли. Аминокислота оқсиллар асоси бўлиб хизмат қилади, тўқималар тикланишида, ўсишда ва ривожланишида айниқса, мушакларни ривожланишида иштирок этади. Ферментлар, антитела, гормонларни синтез қилади, томирлар тонусини ва тўқималар ўтказувчанлигини оширади. Ўртача гипогликемик самарага эга. Лизин иммунитетни мустаҳкамлайди, кальций ўзлаштирилишига ёрдам беради. Мушак массаларини тез йиғиш учун, пайларни узилиши ва чўзилишидан ҳимоялаш учун спорт озиқаси сифатида қўлланилади, у ҳолдан толиқтирадиган машғулотларидан кейин тикланишни тезлаштиради. Жароҳатлардан кейин ЭСЦИРО препаратни қўлланишида операциялардан сақланиш ва тикланишни тезлаштириши мумкин.

Фармакокинетикаси

Ўрганилмаган.

Қўлланилиши

Жароҳатдан кейинги, операция вақтидаги ва ундан кейинги турли локализацияли шишлар: бош ва орқа миёни оғир шишлари, шу жумладан бош миё ички қон қуйилишлари, бош миё ички босимини ошиши ва шиш-бўкиш кўринишлари; миё қон айланишининг сурункали ликвор-венوز бузилишлар ва вегето-томир дистонияси; қон билан таъминланишини локал бузилишлари ва оғриқ синдроми билан кечувчи таянч-ҳаракат аппаратини жалб қилиниши билан юмшоқ тўқималарнинг шишлари; умуртқа поғонаси, тана, оёқ-қўлларнинг шишли-оғриқли синдромлари, шишли – яллиғланиш синдроми билан бирга кечувчи ўткир тромбофлебити бўлган оёқларнинг веноз қон айланишини оғир бузилишларида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препарат қатгий вена ичига аста-секин 5-10 мл суткалик дозада юборилади (артерия ичига юборишга йўл қўйилмайди!).

Вена ичига томчилаб юбориш тавсия этилади. Инфузион эритмани тайёрлашда препарат 50 – 100 мл 0,9% натрий хлорид эритмасида суўлтирилади.

Беморнинг ҳаётига хавф туғдирувчи ҳолатларда (ўткир бош-мия жароҳати, операция вақтидаги ва ундан кейинги бош мия ва орқа миянинг шиш-бўркиш кўринишлари бўлган шиши, юмшоқ тўқималар ва таянч-ҳаракат апаратининг катта жароҳатлари оқибатидаги катта ўлчамли шишлар) суткалик доза икки марта юборишга бўлиниб, 20 мл гача оширилади. Катталар учун максимал суткалик доза – 25 мл.

Болалар учун бир марталик доза: 1-5 ёш – 1 кг тана вазнига 0,22 мг L-лизин ва эсцини; 5-10 ёш – 0,18 мг/кг; 10 ёш ва ундан катталарда – 1 кг тана вазнига 0,15 мг ни ташкил қилади. Препарат суткада 2 марта юборилади.

Даволаш курсининг давомийлиги беморнинг ҳолати ва даволашнинг самарадорлигига қараб, 2 дан 8 кунгача давом эттирилади.

Ножўя таъсирлари

Лизин ва эсцинга индивидуал юқори сезувчанликда айрим беморларда қуйидагилар кузатилиши мумкин:

марказий ва периферик нерв тизими томонидан: кам ҳолларда бош оғриғи, бош айланиши, тремор,

жигар ва билиар тизими томонидан: камдан кам ҳолларда трансаминазалар ва билирубиннинг даражасини ошиши;

меъда-ичак йўллари томонидан: кам ҳолларда кўнгил айланиши, камдан кам ҳолларда қусиш, диарея, қорин оғриғи;

юрак қон-томир тизими томонидан: кам ҳолларда артериал гипотензия ёки артериал гипертензия, тахикардия, тўш орқасида оғрик;

нафас аъзолари томонидан: камдан кам ҳолларда қуруқ йўтал;

аллергик реакциялар: кам ҳолларда тери тошмаси (папуллэз, петехиал, эритематозли), қичишиш, юз терисини қизариши, иситма, эшакеми, алоҳида ҳолларда – Квинке шиши, анафилактик шок;

маҳаллий реакциялар: камдан кам ҳолларда юборишда вена йўллари бўйлаб ачишиш ҳисси, флебит, юбориш жойида оғрик ва шиш;

бошқалар: камдан кам ҳолларда умумий ҳолсизлик, этни увишиши, қизиш ҳисси, терлаш.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- L-лизин ва эсцинга ва/ёки препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- буйраклар функциясини оғир бузилишлари;
- жигар функциясини оғир бузилишлари;
- ҳомиладорлик;
- эмизиш даври;
- 1 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

ЭСЦИРО билан даволанишда бошқа дори воситаларини (яллиғланишга қарши, анальгетиклар, микробларга қарши воситаларни) мувофиқ кўрсатмалар бўйича буюриш мумкин.

Препаратни аминогликозидлар билан, уларнинг нефротоксиклигини ошиши мумкинлиги туфайли, бир вақтда қўллаш мумкин эмас. ЭСЦИРОни буюришдан олдин антикоагулянтлар билан давомли даволаш ўтказилган ҳолларда, ёки ЭСЦИРОни ва антикоагулянтларни бир вақтда буюришнинг зарурати бўлганида, охиргисининг дозасига тузатиш киритиш (дозани камайтириш) ва протромбин индексини назорат қилиш лозим.

Цефалоспорин қатори антибиотикларини бир вақтда қўлланганида эсциннинг плазма оксиллари билан боғланиши ёмонлашади, бу эсциннинг ножўя самараларини ривожланиш хавфи билан бирга унинг қондаги эркин концентрациясини ошириши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Гепатохолецистити бўлган айрим беморларда препарат буюрилганида, трансаминазалар ва билирубиннинг (тўғри фракциялари) фаоллигини қисқа муддатли ошиши кузатилиши мумкин, бу беморлар учун хавф туғдирмайди ва препаратни бекор қилинишини талаб қилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас (даволаш вақтида эмизишни тўхтатиш керак).

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Ҳозирги вақтда маълумотлар йўқ, бироқ препаратни қўллашда нерв тизими томонидан тахмин қилинган ножўя реакциялари ривожланиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлари: кизиш, тахикардия, меноррагия, кўнгил айнаши, жиғилдон қайнаши, эпигастрийда оғриқ.

Даволаш: симптоматик даволаш.

Чиқариш шакли

5 млдан инъекция учун эритма ампулаларда, 5 ампула блистерда, 2 блистердан тиббиётда қўлланишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Қурук, ёруғликдан ҳимояланган жойда, +15°C дан +25°C гача бўлган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

«ОНИКС КОРПОРЕЙШЕН» МЧЖ Грузия.

Грузия, Кутаиси ш., Автостроительная кўч, №88 (участок №01/298),

Эркин (свободная) индустриал зона

E-mail: onyxcorp.office@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасини сифати бўйича эътирозларни (таклифлар) қабул қилувчи ташкилотни номи ва манзили;

“ХАСАН ХУСАН FARM” МЧЖ

Тошкент ш., Олмазор тумани, Мухбир кўча, 1-уй 41-хонадон.

Тел.: (55)500-55-77